



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

@moturidiyuz

info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давропбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари  
бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июньдаги  
03-07/4601-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-  
сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Ibrohim Usmonov.**

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика)..... 4

**Zafar Fakhriddinov.**

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

**Numonjon Turayev.**

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби..... 20

**Doston Mustafayev.**

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

**Komiljon Shermukhammedov.**

Мисрдаги “Муслмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

**Shukrullo Jurayev.**

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

**Dilfuza Zakirova.**

Динлардаги таъқик тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

**Elyorjon Saminov.**

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Muzaffarkhon Joniyev.**

Совет даврида Ўрта Осиё муслмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар)..... 70

**Oybek Sotvoldiyev.**

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

**Sayqal Ahmedov.**

Мовароуннаҳр мўғуллар ҳукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

**Doniyor Muratov.**

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

**Mas’udkhon Ismoilov.**

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирқа” рисоласининг исломдаги фирқаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

**Zokhidjon Abdullayev.**

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

**Saidmuhammadkhon Muhibullayev.**

Қамолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

**Maftuna Muminova.**

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g’oyalarning manbaviy va milliy asoslari..... 130

**Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.**

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufasssal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Zokhidjon A. ABDULLAYEV,**  
*International Islamic Academy of  
Uzbekistan Researcher of Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Kadiri str: 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [Zahid81aza@gmail.com](mailto:Zahid81aza@gmail.com)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/14

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “ХАЛҚ АФЪОЛ  
АЛ-ИБОД” АСАРИ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШ  
УСЛУБЛАРИ**

**IMAM BUKHARI'S WORK “KHALQ  
AF'AL AL-IBAD” AND ITS WRITING  
STYLES**

**ТРУД ИМАМА БУХАРИ “ХАЛҚ  
АФ‘АЛЬ АЛЬ-ИБАД” И СТИЛИ ЕГО  
НАПИСАНИЯ**

**КИРИШ**

Имом Бухорий яшаган IX асрга қадар калом илми сиёсий курашлар, турли зиддиятлар ва ихтилофлар таъсирида шаклланиб, бунинг натижасида турли фирқалар вужудга келган. Уларнинг ҳар бири аксар ҳолда ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун ўз даъволарини илгари сурар, даъволарининг ҳимояси йўлида оят ва ҳадисларни ногўғри таъвил қилиб, ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланар эдилар. Бунинг натижасида эса омма орасида турли ақидавий ихтилофлар, ҳатто урушлар юзага келар эди. Бу фирқаларга мисол тариқасида хорижийлар, муржийлар, қадарийлар, рофизийлар, муътазилийлар, жаҳмийлар, жабарийларни келтириш мумкин. Имом Бухорий бу фирқаларга ва уларнинг ботил ақидаларига қарши ўзининг “Халқ афъол ал-ибод” асарини битди.

Асар илм аҳли орасида “Халқ афъол ал-ибод” номи билан кенг танилган бўлиб, олимнинг таржимаи ҳолини ёзган уламоларнинг барчалари асарни шундай ном билан зикр қилганлар. Шунингдек, асар қўлёзмаларининг аксар нусхаларида унинг номи худди шундай кўрсатилган.

Аммо алломанинг ушбу асари устида тадқиқот олиб борган аксар олимлар, асарнинг қўлёзма нусхаларида унинг номи “Халқ афъоли ал-ибод ва ар-радд ала ал-жаҳмия ва

асҳоб ат-таътийл”, деб номланганини айтиб, муаллифнинг асарни ёзиш мақсадига маъно жиҳатдан энг яқин ва китобга исм бўлишига муносиби мана шудир, деб таъкидлашади (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 2005:79). Демак, асарнинг тўлиқ номи “Халқ афъоли ал-ибод ва ар-радд ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътийл – Бандалар амалларининг яратилиши ҳамда жаҳмия ва муаттилаларга раддия” дейиш мумкин.

Буни бир неча далиллар билан исботлаш мумкин бўлади:

Биринчидан асарнинг ас-Саидия нусхаси узлуксиз, муттасил санад билан ривоят қилиниб, Имом Бухорийга етган ва унда мазкур ном тўлиғича зикр қилинган.

Иккинчидан, асар номида унинг таркибий тузилишига ишора бор. Китоб бошланишида узун муқаддима билан бошланган бўлиб, у жаҳмийлар ва муаттилаларга раддиялар бериш асносида тузилган. Чунки ушбу китобнинг биринчи боби: “Аллоҳ азза ва жалланинг каломини ўзгартиришни ирода қилиб, таътил нисбатини берувчиларга илм аҳлининг зикр этганлари ҳақида”, деб номланган. Унда жаҳмийлар ва таътил эгаларига қарши бир юз йигирмадан ортиқ хабар ва осорларни зикр қилган. Шунга кўра, сарлавҳа икки тоифага раддия эканига далолат қилади:

“Бир тоифа, бандалар феълларини уларга мансуб қилишда ғулувга кетдилар ва бандаларнинг баъзи феълларини Аллоҳ таоло яратмаган дейишгача борди. Бошқа бир тоифа эса, инкор этишда ғулувга кетди ва Аллоҳ таолонинг калом сифатини инкор қилишгача борди”.

Демак, сарлавҳадаги биринчи гап жаҳмийларга раддия бўлса, иккинчи гап эса, муаттила фирқасига раддиядир.

Учинчидан, китобнинг биринчи қисқа номланиши (Халқ афъол ал-ибод) билан кифояланиш унинг тўлиқ исмига эътироз туфайли эмас, балки қисқартириш маъносида қўлланилади. Шунга кўра, баъзи илм аҳллари бундан-да қисқарок қилиб “Китоб афъол ал-ибод”, деб ҳам номлайдилар (Абу Бакр ад-Дамашқий, 1412:1301). Буларнинг барчаси қисқартириш жиҳатидан бўлиб, юқоридаги тўлиқ исмни инкор этмайди.

Мана шу далилларга кўра, Имом Бухорийнинг асарларини таҳлил қилган ва шарҳлаган муҳаддис ва табакот олимларининг барчаси бир овоздан асарни “Халқ афъол ал-ибод ва ар-радд ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътийл”, деб номланишига иттифоқ қилганлар.

**Аннотация.** Ҳозирги кунга қадар бутун ислом олами эътирофига сазовор бўлган Имом Бухорий нафақат муҳаддис олим балки, ақийда илми борасида ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Олимнинг “Халқ афъол ал-ибод ва радд ала ал-жаҳмия ва асҳоб таътийл” деб номланган асари бунга яққол мисолдир.

Асар илм аҳли орасида “Халқ афъол ал-ибод” номи билан танилган бўлиб, асарда асосан жаҳмиялар ва муаттилалар каби ботил эътиқ соҳибларига юздан ортиқ раддиялар берилган. Унда Аллоҳ таолонинг каломи ва бандаларнинг феълларига оид эътиқодий масалалар юзасидан баҳслар келтирилган. Бундан ташқари, ботил ақида эгаларининг шубҳалари ва далилларини ўрганиб, аниқлаб, сўнгра уларнинг далил ва шубҳаларидаги айблари, танқидга лойиқ ўринлари ва адашув нуқталарини баён этиб, илмий йўл билан раддиялар бериш ҳам, алломанинг ўзига хос методларидан бири эди. Шунингдек, мақолада ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари ва уларнинг кодикологик таҳлили юзасидан атрофлича фикрлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Имом Бухорий, Халқ афъол ал-ибод, мўътазила, жаҳмия, муаттила, раддия, қўлёзма, лавҳа

**Abstract.** *Imam Bukhari, who has been recognized by the entire Islamic world until now, is not only a muhaddith scholar, but also holds a special place in the field of Aqeedah. A clear example of this is the scholars work called “Khalq af’al al-ibad wa radd ‘ala al-jahmiyya wa ashab ta’til”.*

*The work is known as “Khalq af’al al-ibad” among the people of knowledge, and in the work, more than a hundred refutations are given to the representatives of misguided groups, such as Jahmiyyah and Mu’attilah. It contains debates on religious issues related to the words of Allah and the actions of the servants. Studying and clarifying the doubts and proofs of the false belief holders, and then stating the faults, points of criticism and errors in their proofs and doubts, and refuting them in a scientific way was one of the unique methods of the scholar. Manuscript copies of this work kept in countries such as Turkey, Libya, Saudi Arabia and India were also studied. A brief codicological analysis of the copies and detailed comments on the differences between them are given.*

**Keywords:** *Imam Bukhari, Khalq af’al al-Ibad, Mu’tazila, Jahmiyya, Mu’atilla, refutation, manuscript, tablet.*

**Аннотация.** Имам Бухари, признанный всем исламским миром, как выдающийся хадисовед, является не только мухаддисом, но занимает особое место в области исламского богословия. Ярким примером этого является работа ученого под названием “Халк аф’аль аль-ибад ва радд ала аль-джаҳмия ва асҳаб та’тийл”.

Данный труд известен среди ученых как “Халк аф’аль аль-ибад”, и в нем дается более ста опровержений представителям заблудших групп, таких как джаҳмийя и муаттила. Труд содержит сведения о дискуссиях по религиозным вопросам, связанных со Словом Аллаха и деяниями людей. Надо отметить, что изучение и анализ сомнений и доводов еретиков, выявление их недостатков, критика их ошибок доводов и сомнений, их научное опровержение было одним из своеобразных методов ученого. Также, в данной статье были изучены рукописные копии этого произведения, хранящиеся в фондах таких стран, как Турция, Ливия, Саудовская Аравия и Индия. Дан краткий кодикологический анализ копий и подробные комментарии о различиях между ними.

**Ключевые слова:** Имам Бухари, Халк аф’ал ал-ибад, мутазила, джаҳмийя, муаттила, опровержение, рукопись, табличка.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу асар Имом Бухорийнинг машҳур ва таниқли китобларидан бири бўлиб, унинг таржимаи ҳолларида, албатта, асарлари орасида ушбу асар ҳам санаб ўтилган. Асарнинг Бухорийга мансублиги аниқ-равшан бўлганидан, бирорта олим унинг нисбатини ишончилигида шак-шубҳа қилмаган (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1994:24).

Шунга кўра, китоб муаллифини аниқлашда ва асар унга тааллуқли эканини исботлашда,

мутахассисларга сир бўлмаган бир неча йўллар билан тасдиқлаш мумкин бўлади. Қуйидаги йўллар “Халқ афъол ал-ибод” китоби Бухорийга мансублиги ишончли эканини тасдиқлайди:

1). Алломанинг асарларини билган, ўрганган муҳаддислар ва илм эгаларининг бир фикрда яқдиллиги. Бунга Ҳофиз Миззий (1256–1341) Макдисий(947–990)нинг “Асмо ар-рижол” китобига ёзган “Таҳзиб ал-Камол” китоби ва Ибн Ҳажар “Ат-Таҳзиб ва ат-такриб” китобларида Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” китобида зикр қилган хадисларини ривоят қилган кишиларнинг

исмларини келтириб, уларга (ع) харфлари билан белгилаган. Улардан сўнг, ҳадис олимлари ва бошқа барча илм аҳли ушбу асарни унга мансуб, деб билганларидан, мана шу тартибга иттифоқ қилдилар. Асарнинг Имом Бухорийга мансуб экани бу даражада машҳур бўлиши, асар унга тааллуқли эканига далолат қилувчи ўта кучли далил бўлиб ҳисобланади (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 2005:82).

2) Асар Бухорийдан икки<sup>1</sup> машҳур санад билан ривоят қилинган бўлиб, иккисини ҳам Ибн Ҳажар, ар-Рўдоний ва Ҳожи Халифалар зикр қилган. Қуйида ушбу икки санад билан танишиб чиқамиз:

Биринчи санад: Юсуф ибн Райҳон ибн Абдуссамад орқали ривоят қилинган бўлиб, ҳеч бир тадқиқотчи ундан келган ривоятга дуч келмаган ([https://www.alukah.net/sharia/0/8538/#\\_ftn36](https://www.alukah.net/sharia/0/8538/#_ftn36)) бўлсада, Ибн Ҳажар ва бошқа олимлардан келган ривоятлар ундан ривоят қилинганини таъкидлайди. Масалан, Ибн Ҳажар “Ҳадю ас-сорий муқаддима Фатҳ ал-Борий” китобида: «Шунингдек, “Халқ афъол ал-ибод” асарини Имом Бухорийдан Юсуф ибн Райҳон ибн Абдуссамад ва Фирабрийлар ривоят қилишган» (Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, 2001:1314), дейди.

Иккинчи санад: Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий томонидан ривоят қилинган бўлиб, ундан бир неча кишилар ривоят қилишган. Иброҳим ибн Аҳмад Мустамлий, Исмоил ибн Муҳаммад ибн Ҳожиб Қушоний ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳайсам Мутааввийлар шулар жумласидан бўлиб, бу ҳақда Имом Байҳақий (384–458 хижрий) ўзининг “ал-Асмо ва ас-сифот” китобида хабар берган (Али ал-Байҳақий, 2011:30-31).

Асарнинг қўлёзма ва нашр қилинган барча нусхалари ушбу асар Имом Бухорийга мансублиги ва унинг китобларидан бири экани ишончлилигини таъкидлайди. Ушбу нусхаларнинг баъзиси улуғ аҳли илмлардан эшитиш орқали ҳам келгани айтилади.

Шунингдек, илм аҳлининг бу асардан кўплаб иқтибос келтиришлари ва Имом Бухорийга нисбат беришлари одатий ҳол. Бу ҳолат жуда кўп такрорланган. Байҳақий “ал-Асмо ва ас-сифот” китобида, Қози Абу Яъло, Миззий, Заҳабий, Ибн Ражаб, Ибн Ҳажар ва бошқаларни айнан шундай олимлар қаторида келтириш мумкин.

1 Баъзи тадқиқотчилар учта санад орқали келганини айтишади, лекин шаклий жиҳатдан учта кўринсада, аслида икки санад орқали ривоят қилинган.

Ибн Ҳажар Асқалоний Имом Бухорийнинг “Саҳихи”га ёзган шарҳида, ушбу асарни Бухорийга тегишли эканини бир неча бор такрорлаган. У жаҳмийлар тўғрисида сўз юритган вақтида Бухорийдан қуйидагиларни нақл қилади: “Бухорий “Халқ афъол ал-ибод” китобида шундай деди: “Менга Жаҳм<sup>2</sup> (жабарийлик) таълимотини Жаъд ибн Дирҳамдан олгани ҳақида хабар етди, ўша пайтда Холид Қасрий Ироқ амири эди. У (Қурбон ҳайити куни) хутба қилиб: “Мен Жаъд ибн Дирҳамни қурбонлик қиламан чунки у, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни дўст тутмаган ва Мусо (алайҳиссалом)га гапирмаган, деб тасдиқлади” (Ибн Ҳажар Асқалоний, 2001:358), деди. Яна бошқа бир ўринда Ибн Ҳажар: “Сўнгра, унинг баён этишдаги мақсадини бандаларнинг амалларини яратилиши ҳақида алоҳида ёзган китобида кўрдим. У: “Одамлар бажарувчи, феъл-ҳаракат ва бажарилган нарса устида ихтилоф қилганлар”, деган, дейди” (Ибн Ҳажар Асқалоний, 2001:448). Ибн Ҳажарнинг “бандалар амалларининг яратилиши ҳақида алоҳида ёзган китобида”, дейиши, Имом Бухорийнинг ушбу “Халқ афъол ал-ибод” асарига ишорадир.

Имом Бухорийнинг ушбу асарни ёзишдаги услуби барча асарларининг ёзилиш услуби бир-бирига тўғри келиши, шунингдек, шайхлари ва санадлари буларнинг барчасини бир-бирига мос келиши, бу асарнинг муаллифи Имом Бухорий эканига далолат қилади.

Ушбу асарнинг ёзилган вақти ва уламо-ларнинг “лафз” масаласи ҳақида Бухорийдан нақл қилганларини диққат билан ўрганилса, Бухорийнинг ушбу асарни баъзи аҳли ҳадислар ўртасида содир бўлган “лафз” масаласи фитнаси сабабли таълиф этгани аниқ бўлади. Бу билан Бухорий ушбу масаладаги ҳақиқатни баён этиш ва адашганларга раддия беришни мақсад қилган. Буни Ибн Қутайба ва Ҳожи Халифа (1609 – 1657) сингари бир гуруҳ аҳли илмлар зикр этган. Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, Имом Бухорий бу китобни Зухлий билан тортишиб колганида ёзган (Абдуллоҳ Ҳожи Халийфа, 1992:722). Бу эса синчковлик ва чуқур мулоҳаза билан асарни ўрганган инсонга кундай равшандир.

Демак, Бухорий ушбу асарни умрининг охирида, 252 хижрий санадан кейин, вафотидан олдин таълиф этган бўлиб чиқади. Чунки, “фитна” 252 хижрий сананинг шаъбон ойида

2 Жаҳм ибн Сафвон Самарқандий (696 – 746 м.в.э.) “Жабрия” мазҳаби асосчиси.

содир бўлган, Бухорийнинг охирги бор ушбу китобини баён қилиб бериши 256 ҳижрий санада бўлган. Бунга “ас-Саидия” қўлёзмаси санадида келган матн далил бўлади. Унда “..Бизга Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирабрий гапириб шундай деди: “Абу Абдуллоҳ Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий розияллоху анху бизга икки юз эллик олтинчи йил гапириб берди...” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 2005:84), дейилган.

Шунга кўра, муаллиф бу асарда мўътазилийлар ва жаҳмийлар кўзгаган яъни, Қуръон “махлуқ” (яратилган)лиги, борасидаги фитналар ҳақида сўз юритган ва уларнинг ушбу сўзларини йўққа чиқаришда раддиялар берган. Жумладан, асар Қуръони каримни махлуқ деганларга: “Ҳакам ибн Муҳаммад Табарий менга гапириб, (ундан буни Маккадалигимда ёзиб олган эдим) шундай деди, “Суфён ибн Уяйна бизга шундай деб, гапириб берди: “Етмиш йилдан буён Амр ибн Динор каби машойхларимизни учратдим. Уларнинг барчалари: “Қуръон Аллоҳнинг Каломи ва у махлуқ(яратилган) эмас деган (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1990:7), деб асар бошланган.

Шунингдек, жаҳмийлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилганган: “Абу Жаъфар менга гапириб берди, Абу Жаъфарга Яхё ибн Айюб деди: “Абу Нуайм Балхийнинг шундай деганини эшитдим: “Илм аҳлидан бўлган бир Марвлик киши Жаҳмнинг дўсти бўлиб, у билан алоқасини узди ва унга қўпол муомала қилди. Унга: “Нега унга қўполлик қилдинг?”, – дейилганда, “у яъни Жаҳм, чидаб бўлмас гапларни гапирди”, кунларнинг бирида бу ва мана бу оятларни ўқисам (қайси оятлиги Яхёнинг эсидан чиққан), “Муҳаммад гапга уста бўлмаган”, деди, базўр ўзимни босдим. Сўнгра, “Тоҳо” сурасини ўқиб, “У – **Роҳман Аршни эгаллади**”<sup>3</sup>, оятига етганида: “Аллоҳга қасамки агар ушбу оятни ўчириб ташлаш йўлини топганимда, албатта, Мусҳафдан ўчирган бўлардим”, деди. Сабр қилдим. Сўнгра Қасос сурасини ўқиди ва Мусо алайҳиссалом зикри келганида: “Бу нимаси? Қиссани бир ўринда зикр этиб, тугатмаган. Бу ерда ҳам зикр қилиб охирига етказмаган”, деди ва кўлида турган Мусҳафни икки оёқлари томон отди. Сабр қилиб, чидаб туrolмадим ва унга ташландим”, деди» (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1990:16).

Бандаларнинг феъллари масаласи ҳақида сўз юритиб, бу масалада Китоб, суннат ва

<sup>3</sup> Тоҳо сураси, 5-оят.

ўтмишдагиларнинг кўрсатмасига мувофиқ фикрни баён этиб: “Ана энди, бандаларнинг феълларига келсак, дарҳақиқат, бизга Али ибн Абдуллоҳ, Марвон ибн Муовия, Абу Молик, Рибъий ибн Ҳирош гапириб бериши орқали етган ва Ҳузайфа розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда: Набий (с.а.в.): “Албатта, Аллоҳ барча уста-хунармандни ва унинг ясаган нарсасини ҳам яратади”, дедилар. Баъзилар ўша пайт: “..**сизни ҳам, қолган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган..**”<sup>4</sup> оятини тиловат қилишган”, дейди (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1990:25).

## МУҲОКАМА

Шунингдек, Имом Бухорий бандаларнинг товушлари яратилган эканини очик баён этган. Чунки, у феъллардан иборатдир. Демак, тиловат яратилган иш. Негаки, тиловат Қуръонни талаффуз қилишдан бошқа нарса эмас. Биргина тиловат ва ундаги товушлар яратилгани хусусида ўз мазҳабини маҳкам ушлагани сабабидан алломага “Лафзимдан чиққан Қуръон, яратилгандир” деган гапни айтди, деган айбни қўйганлар” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, йили кўрсатилмаган).

Юқорида зикр қилинган далиллардан маълум бўладиги, демак, аллома ушбу асарни асосан икки ғулувга кетган тоифа мўътазилийлар ва жаҳмийларга раддия сифатида ёзиши билан бирга, бир неча масалалар устида сўз юритган. Улар ҳақида ўз ўрни келганда батафсил маълумот берилади.

Муаллифнинг ушбу асарни ёзишда тутган услубига келсак, Имом Бухорий – Китоб ва суннат далилларини улуғлаган, қабул қилиш, хулоса чиқариш, муҳолифга раддия беришда ҳадис ва суннат имомларининг услубларида эди. Шунинг учун олим “Халқ афъол ал-ибод” асарини ёзишда ҳам, эътироф этилган имомларнинг сўзларини далил қилиб келтириб, жаҳмийларга қарши турли хил масалаларда раддиялар беришда уларнинг услубига эргашди.

Имом Бухорий асосан муҳолифларга қарши раддияларини баён этадиган оятлар ва ҳадисларни келтирган. Бу унинг “ал-Жомеъ ас-саҳих” асаридаги услуби бўлиб, буни асарнинг бир бўлими бўлган “Тавҳид китоби”да кўриш мумкин. Лекин бошқа асарларида оят-ҳадислар билан бирга, аввал ўтган имом ва уларнинг асарларидан ҳам зикр қилган.

<sup>4</sup> Ас-Сафот сураси, 96-оят.



“Халқ афъоли ал-ибод” китоби, турли хил гуруҳларга раддия сифати билан ажралиб туради. Ҳақиқатда ушбу китоб жаҳмийлар, мўътазилийлар, рофизалар, мушаббихалар, қадарийлар, жабарийлар каби бир неча гуруҳларга қарши берилган раддияларни ўзида жамлаган. Ушбу раддиялар улкан илмий-маърифий кимматга эга бўлиб, жаҳмийлар, мўътазилийлар, мушаббихалар кабилардан ажралиб чиққан ҳозирги ва келажак даврларда пайдо бўладиган бошқа жамоаларга ҳам раддия бўла олиши мумкин.

Ушбу асарда муаллиф, ҳадислар ва осорларни аҳли ҳадисларнинг услубига кўра, ровийларга нисбат беради. Шунингдек, баъзи хабарларнинг санадларини қисқа қилиш мақсадида ёки улар ўша асрда илм аҳли ўртасида машҳур бўлгани туфайли, уларни санадларсиз келтириш билан ҳам кифояланган.

Муаллифнинг асардаги услубларидан яна бири, гапни чўзмасдан, мавзуни кенгайтмасдан, қисқа ва лўнда қилиб ифодалаш. Ушбу асар ҳажми кичиклигига қарамадан, кўпгина раддияларни ўзида жамлаб, муҳим масалалар ҳақида кўрсатмалар берган. Гарчи асл услуби масалани узайтирмаслик бўлса-да, биргина, ўқилинган ва кироат ўртасидаги фарқ масаласида хулоса қилишда кенг ва батафсил сўз юритиб, Қуръон, суннат ва саҳобийлардан далиллар келтирган.

Ушбу масалада кенг ва батафсил маълумот берилишининг сабаби, ўша даврда ушбу масала хусусида кўплаб фитналар, шубҳаларнинг авж олиши билан бирга, ўша фитналарда чуқур кетишлар сабаб бўлган. Олим ушбу масалада кенг ва батафсил сўз юритганидан узр сўраган ҳолда қуйидагиларни келтиради:

“Халил ибн Аҳмад: “Гап ёдлаш учун озайтирилади ва тушуниш учун кўп айтилади”, дейди. Биз эса, Умарнинг гапига кўра иш тутамиз. У: “Мен албатта, айтишим тақдир қилинган гапни айтаман, кимнинг унга ақли етса ва уни тушунса, уни бутун сафари (умри) охирига етгунча гапирсин. Кимки, уни тушунмасликдан кўрқса, унга менинг номимга ёлғон тўқишига ижозат бермайман”, деган” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1990:60). Ушбу далилни зикр қилиш билан Бухорий, бу мавзуда далилларни қайта-қайта такрорланиши ёки мавзу яна ҳам кенгроқ ва батафсилроқ ёритилишида “Мени маъзур тутасиз чунки, олдимда бундан бошқа йўл йўқ эди. Агар шундай қилмасам, илми саёз кишиларнинг тушунмаслиги оқибатида (олдин тўқилгани каби) номимга ёлғонлар тўқилиши мумкин. Мен

эса, бунга йўл қўёлмайман”, деган гапга ишора қилгандек кўринади.

Муҳолифларнинг шубҳалари ва далилларини ўрганиб, аниқлаб туриб, сўнгра уларнинг далил ва шубҳаларидаги айблари, танқидга лойиқ ўринлари ва адашишларини баён этиб, илмий йўл билан раддиялар қилиш ҳам алломанинг услубларидан бири эди.

Мана шу нуқталар Имом Бухорийнинг “Халқ афъоли ал-ибод ва ар-радд ала ал-жаҳмияти ва асҳоби ат-таътийл” китобини ёзишдаги услубининг асосий хусусиятларидир.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъоли ал-ибод” асари матнининг кўплаб қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналарида мавжуд. Қўлёзма нусхаларнинг ичида энг мўъжаз, ривоят санади муаллифгача етиб борган “ас-Саидия” нусхаси тадқиқот учун асос қилиб олинди ва қолган нусхаларнинг ҳам санадлари борлиги ёки нусха кўчирувчи хаттотнинг аниқлиги, кўчирилган нусхасига солиштирилган, ровийларнинг санадининг кетма-кетлиги, ёзувларининг аниқ ва тиниклиги, асосан унинг қадимийлигига кўра тартибланди.

Мазкур асарнинг дунёдаги расмий ва хусусий ўнлаб кутубхоналарида 20 га яқин қўлёзма нусхалари сақланиб, 6 та асосий қўлёзма нусхаси танлаб олинди. Қўлёзмаларга тавсиф бериш ва ёритиш тизимли ҳамда тартибли бўлиши мақсадида нисбий номлар кутубхоналарга кўра белгиланади.

Биринчи нусха (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 352(16 – 316)): “ас-Саидия” қўлёзма нусхаси; Ҳайдарободдаги (Ҳиндистон) “ас-Саидия” кутубхонасида № 352 (16–316.) инвентар рақами остида сақланади. Асар муаллифи Имом Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорий. Қўлёзма номи “Халқ афъоли ал-ибод ва ар-радд ала ал-жаҳмия ва асҳоби ат-таътийл”, деб кўрсатилган. Асар араб тилида бўлиб, “сулс” хатида ёзилган. Асар 33 лавҳа 66 бетни эгаллайди, ҳар бир бетдаги матн 25 сатрдан иборат бўлиб, ҳар бир сатрдаги сўзлар сони эса, 13–15 та сўз атрофидадир. Сиёҳ ранги қора. Асар матни унвон билан чегараланмаган, оддий тўрт бурчак ҳолда ёзилиб, муқаддима “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан бошланган. Қўлёзмада Шарқ қоғози ишлатилган. Асар матнининг сатрлари орасида эмас, балки хошияларида баъзи изоҳлар қолдирилган. Нусхани кўчирган хаттотнинг исми Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳайдар Қураший Шофеий. Саҳифадан саҳифага ўтишда пойгир билан белгиланмаган.

Кичикроқ хотима билан яқунланган. Асарнинг кутубхонага келтирилган вақти аниқ эмас. Ушбу қўлёзма нусха тафтишдан ўтган нафис нусха бўлиб, у муаллифгача етиб борган санад орқали ривоят қилинган. Бунга далил сифатида бу нусха кўчирилган асл нусхага солиштирилгани келтирилган. Бу солиштирама ҳижрий 723 йил сафар ойида етти мажлисда кўриб чиқилган бўлиб, ушбу мажлисларнинг барчаси бир ой (сафар) ичида амалга оширилган. Бу иш юқорида исми зикр қилинган, Қози Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳайдар Қураший Мисрий Шофеий Шамсуддин Абулмаалий, Ибн ал-Қуммоҳ лақаби билан машхур (656–741) ҳижрий саналарда Қоҳирада яшаб ижод қилган, бир тўп манфаатли жамланма асарлар соҳиби тарафидан бажарилган.

Ушбу нусха Абу Бакр ибн ал-Хозиба қўлёзмасидан кўчирилган. Унинг хаттотлиги ҳадис имомлари томонидан эътироф этилган машхур имомлардан бўлиб ҳисобланади. Нусха кўчирувчи бўлмиш, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳайдар Қураший Шофеий у ҳақда шундай дейди: “Ушбу нусхани Шайх Ҳофиз Абу Бакр ибн Хозиба раҳимахуллоҳнинг қўллари билан ёзилган нусхадан кўчирдим. Шунингдек, у киши қўлёзмасидан эшитиш ҳамда ўқиш табақоти, ундан кейин эса алоҳида яна иккинчи табақот эшитиш табақотлари бўлган. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, тоқатим етганча барчасини у кишига кўрсатдим. Ибн Хозиба 489 ҳижрий санада вафот этди. У хаттотлиги ҳадис имомлари томонидан эътироф этилган, машхур ҳофиз имомлардан эди. Аллоҳга ҳамд санолар бўлсин”.

У ҳақида Шамсуддин Заҳбий қуйидагиларни ёзади: “Абу Бакр ибн Хозибанинг тўлиқ исми, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулбоқий ибн Мансур Бағдодий Даққоқ, Ибн Хозиба лақаби билан танилган. У шайх, имом, муҳаддис, ҳофиз, ишончли, йўлбошчи, деган унвонларга сазовор бўлган. У ҳижрий 430–440 йиллар орасида туғилган бўлиб, кўпчилик олимлар қўлида ўқиган, Бағдоддаги муҳаддис олимларнинг котиби бўлган. Ёзувчилик ва ҳадисларнинг таҳрижи борасида кўп манфаатли ишлар қилган бўлиб, илм-фанда ўртача, мустаҳкам диёнатли, ибодатгўй, фасоҳатли, чиройли ўқийдиган, инсон эди. У 2 рабиул аввал 489 ҳижрий санада вафот этди. Унинг жанозасини ҳам доврўғи ҳар тарафга овоза бўлди” (Абу Абдуллоҳ Заҳабий, 1989:109).

Ушбу нусха кўчирувчидан то муаллифгача мукамал санад билан ривоят қилинган бўлиб, қуйида унинг санади билан танишиб ўтилади. Ушбу санадни қўлёзманинг бошида ва

муқова лавҳасида ҳам кўриш мумкин: “Менга Найсобурлик шайх, заковатли олим, Абу Бакр Важиҳ ибн Тоҳир ибн Муҳаммад аш-Шаҳҳомий ёзиш орқали хабар берди. Сўнгра, у шайх, имом, ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳабиб ал-Омирий ал-Бағдодийга эшитиш орқали ўқиб берди. У (ал-Омирий) шайх, ҳофиз Абу Фатҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Асбаҳоний Самкавайҳ ундан ривоят қилиш изни билан менга хабар қилди, деди. У: бизга имом Абу Саҳл Муҳаммад ибн Али ал-Абюрдий хабар берди, деди. У: бизга Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Қушоний гапириб берди, деди. У: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирабрий гапириб берди, деди. У: бизга Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий розияллоҳу анҳу ҳижрий икки юз эллик олтинчи йили гапириб берди, деди” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 352(1–316)).

Иккинчи нусха (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 359) “Равзат ал-ҳадис” нусхаси; ушбу нусханинг манбаси Ҳайдарободдаги (Ҳиндистон) “Равзат ал-ҳадис” кутубхонасида № 359 инвентар рақами остида сақланади. Асар араб тилида бўлиб, “Насхтаълик” хатида ёзилган. Асар 24 лавҳа 48 бетни эгаллайди, ҳар бир бетдаги матн 23 сатрдан иборат бўлиб, ҳар бир сатрдаги сўзлар сони эса, 18-20 та сўз атрофидадир. Сиёҳ ранги қора. Ушбу нусха янги нусхалардан бўлиб, 1305 ҳижрий санада кўчирилган. Лекин солиштириш (муқобала) бўлмаган. Унда енгил-елпи тушириб қолдириш ва баъзи ўринларда хатоликлар учраб туради. Шунингдек, баъзи жойлари нуқта белгилари ҳам қўйилмаган. Афтидан ас-Саидия қўлёзмасидан кўчирилганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам унинг ортидан тартибга қўйилди. Икки нусха орасида билинар-билинемас фарқлар бор. Шунингдек, у бир тўп рисолалар билан бирга бир мажмуада жамланган бўлиб, мажмуадаги иккинчи ўриндаги рисоладир. Асар матни оддий тўртбурчак ҳолда ёзилиб, муқаддима “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан бошланган. Матн унвон билан чегараланмаган. Қўлёзмада Шарқ қоғози ишлатилган. Нусхани кўчирган хаттотнинг исми ҳақида бирор гап йўқ. Саҳифадан саҳифага ўтишда пойгир билан белгиланмаган. Хотима билан яқунланмаган. Ушбу қўлёзма нусха Қувайт университетида № 142 инвентар рақами остида микрофилм (мж2) кўринишида ҳам сақланади.

Учинчи нусха (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 139/1): Туркия нусхаси; қўлёзма Истанбул шаҳрида жойлашган Сулаймония мажмуасидаги “Раис ал-кутуб Ошур афанди” кутубхонасида № 139/1 инвентар рақами остида сақланади. Қўлёзма 32 лавҳа 65 бетдан иборат бўлиб, муқова саҳифаси ҳам унинг ичида. Ҳар бир бетида 23 сатр бўлиб, ҳар бир сатрдаги сўзлар сони эса 13–15 та атрофидадир. Муқова лавҳасида қўлёзма нусхаси Аллоҳ таоло йўлида вақф қилинганини билдирувчи муҳр мавжуд. Аммо, ундаги баъзи сўзлар тушунарсиз бўлганидан ўқиш имкони бўлмади.

Нусхада англиз тилида ёзилган янги муҳр ҳам мавжуд. Лавҳанинг тепа қисми ўнг томондан: (الله حسي، من كتب أبي بكر بن رستم بن أحمد الشيرواني).

Яъни, “Аллоҳ менга етарли, Абу Бакр ибн Рустам ибн Аҳмад аш-Шайрувоний китобларидан”, деган маънодаги ёзув бор. Аммо, нусхаловчини аниқлаб бўлмади. Ушбу қўлёзма нусханинг ёзуви аниқ-равшан бўлиб, жуда чиройли ёзилган. Аксар ўринларда нукта вергуллари қўйилган. Нусха кўчирувчи баъзи харфларга зеру забар белгиларини ҳам қўйган. Солиштирилган ва тўғриланганлик асари унинг хошияларидан маълум. Бу эса, унинг мукамал даражада бажарилганидан далолат қилади. Қўлёзмада Шарқ қоғози ишлатилган. Матннинг 1/а ва 1/б лавҳалари унвон билан чегараланган бўлиб, қолганлари чегараланмаган.

Нусхани солиштириш ва тўғрилаш 23/б лавҳадан доиравий нукталар билан белгилаш бошланган бўлиб, ундан олдинги саҳифаларда бундай белгининг йўқлиги, аввалбошдан бундай белги билан ишора қўйилмаганини билдиради. Ушбу нусханинг солиштирма ва тўғрилаш амалиёти бир неча илмий мажлисларида уюштирилган бўлиб, энг охириги мажлис ўн тўртинчи жумодул уло 838 ҳижрий санада амалга оширилган. Шунингдек, нусхани солиштириш ва тўғрилаш мажлисларининг сони олтитадан ошган бўлиб, буни ҳар мажлис тугаганда етиб келган саҳифалари ёки сатрларига ёзиб қўйилган (بلغ) яъни, “етди” маъносини англатувчи сўздан тушуниш мумкин. Бу сўзни қуйидаги рақамлари келтирилган лавҳаларда учратиш мумкин: 6/а, 16/б, 23/а, 24/б, 27/б, 30/а лавҳаларида “солиштириш шу ерга етди”, деб ёзилган. Қўлёзма нусханинг охириги бети хошиясида: “Китоб солиштирмаси куч-қувват етгунча каттик ҳаракат билан амалга оширилди ва Аллоҳ таолони хошиш-иродаси ила тўғриланди. Бу иш

бир неча илмий мажлисларда амалга оширилган ва уларнинг энг охириги ўн тўртинчи жумодул уло 838 ҳижрий санада бўлган” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 139/1).

Дарҳақиқат, нусха кўчирувчи қўлёзма нусханинг бошида муаллифгача бўлган китоб санадини зикр қилган бўлиб, ушбу санад китобнинг бир неча ўринларида такрорланган, фақат қабул қилиш йўллари ва сийғаларида ихтилоф мавжуд холос.

Қуйида нусханинг аввал бошида зикр қилинган санади билан танишилади:

“Бизга Абу Зар Абд ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий хабар берди: у: бизга уч юз етмиш тўртинчи ҳижрий сана Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мустамлий ал-Балхий Балхда унга кироат (ўқиш) орқали гапириб берди, деди; у: бизга уч юз ўн тўртинчи ҳижрий сана Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирабрий Фирабрда хабар берди, деди; у: бизга икки юз эллик олтинчи ҳижрий санада Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий гапириб берди, деди” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 139/1).

Муҳаммад ибн Сулаймон ар-Рўдоний (1037 –1094/1628–1683), Ал-Ҳажжор орқали Абу ал-Фазл Жаъфар ал-Ҳамадонийдан, у: Абу Тоҳир ас-Силафидан, у: Исо ибн Абу Зар ал-Ҳаравийдан, у: отасидан ривоят қилганини таъкидлаб, “Силат ал-халаф бимавсули ас-салаф” китобида ривоят қилади (Сулаймон Ар-Рўдоний, 1988:229).

Тўртинчи нусха (Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 641): “Маҳмудия” нусхаси; ушбу нусха Мадинаи мунавварадаги Масжиди Набавий ёнида жойлашган ҳозирги “Малик Абдулазиз” (эски Маҳмудия)<sup>5</sup> кутубхонасида № 641 инвентар рақами остида сақланади. У жуда яхши нусхалардан бири бўлиб, солиштирилиб тўғриланган. Текшириб, тузатиш аломатлари такрибан ҳар бир бетда учрайди. Қўлёзма нусха 32 лавҳа 65 бетдан иборат бўлиб, муқова саҳифаси ҳам унинг ичида. Ҳар бир бетида 23 сатр бўлиб, ҳар бир сатрдаги сўзлар сони эса 13–15 талар атрофидадир. Шунингдек, қўлёзма нусхасини кўчиришда Шарқ қоғозидан фойдаланилган. Матн унвон билан чегараланмаган. Нусха кўчирувчи хаттотнинг исми: Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Аҳмад Оли Абдулқодир бўлиб, нусха охирида шундай деган:

<sup>5</sup> Султон Маҳмудхон вақф кутубхонаси номига нисбатан “Маҳмудия” деб аталади.

“Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Халқ афъол ал-ибод китобини охири .... уни кўчириш ўн саккизинчи Жумодул ахйро (нечанчи йил эканини ёзишни унутган) йил фақир Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Аҳмад Оли Абдулқодир қўли билан тугалланди”. Чап тарафда эса: “Ишончли нусхага солиштирилган ва тўғриланган ҳолда тугатилди” (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 641) деган ёзув мавжуд.

Муқова лавҳаси муҳрланган бўлиб, унда:

وقف لله سبحانه: مدرسة محمودية. المدينة المنورة.

Маъноси: “Аллоҳ субҳанаҳу йўлида вақф қилинган, Маҳмудия мадрасаси, Мадинаи мунаввара”. Лавҳанинг тепа қисми чап томонида: (من أجزاء كتب علم الحديث والعقائد) яъни, “ҳадис ва ақида илмлари китобларининг қисмларидан”, деб ёзилган.

Муқова лавҳасидан кейинги 1/а лавҳада сатрларнинг сони 20 қатордан иборат. Бундай бўлишига сабаб шуки, “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” ва ҳамду санодан кейинги 5 қатор бўш қолдирилиб, тўғридан-тўғри биринчи боб бошланган, шунга кўра, ушбу лавҳада “басмала” ва китобнинг асосий матни жами 20 сатрдан ташкил топган.

Нусханинг охириги 32/в лавҳаси жами 30 сатрдан ташкил топган бўлиб, 22 сатрдан кейинги 8 қатор хотима вазифасини бажарган.

Бешинчи нусха (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 1552): Ливия нусхаси; қўлёзманинг бу нусхаси Ливия давлатининг Бинғозий шаҳрида жойлашган “Қор Юнус” университетида №1552 инвентар рақами остида сақланади. Ушбу нусханинг ўқилиши осон бўлиб, бирмунча тўғриланган ва тузатишлар жойлари мавжуд. Қўлёзма нусха араб тилида бўлиб, “насх” хатида аниқ-равшан ёзилган. Асар 25 лавҳани эгаллайди, ҳар бир бет 23–26 сатрдан иборат бўлиб, ҳар бир сатрдаги сўзлар сони эса, 18–21 та атрофидадир. Сиёҳ ранги қора. Асар матни уввоп билан чегараланган, муқаддима “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан бошланиб, “васаллам” жумласи билан тугаган. Ушбу муқаддима лавҳанинг бош қисмининг ўртасига қуйидаги кўринишда ёзилган бўлиб, узун чизиклар орасига олинган:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَصَلَّى اللَّهُ
عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ

Шунингдек, нусханинг хотима қисми ҳам, матннинг асосий қисми унвонидан алоҳида қилинган ҳолда хотима шаклида тугатилган:

آخر كتاب خلق أفعال العباد
والحمد لله رب العالمين و
صلى الله على محمد وآله
وصحبه وسلم
(Муҳр ўрни)
تسليما
كثيرا

Хотиманинг охириги қисми ўнг томонида икки катта ва кичик доира шаклидаги муҳр мавжуд бўлиб, ёзувлари тушунарсиз ҳолга келган.

Қўлёзмада Шарқ қоғози ишлатилган. Асар матннинг сатрлари орасида изоҳлар қолдирилмаган. Нусхани кўчирган хаттотнинг исми йўқ. Саҳифадан саҳифага ўтишда пойгир билан белгиланмаган. Асарнинг кутубхонага келтирилган вақти аниқ эмас. Ушбу қўлёзма солиштирилган нафис нусхалардан биридир.

Олтинчи нусха (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, қўлёзма № 349): Умму ал-Қуро нусхаси; ушбу нусха Макка шаҳрида жойлашган, “Умм ал-Қуро” университети кутубхонасида № 349 инвентар рақами остида сақланади. Бу нусха аслида Туркия қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу қўлёзма нусханинг орасидан, охиридан кўплаб варақлари йўқолган бўлиб, ундан фақат саккиз дона варақ қолган. Ёзуви аниқ-равшан бўлганидан қийинчиликсиз ўқиш мумкин. Асар муқовасида хотима шаклида, асар исми, муаллиф исми ва ҳамду сано ёзилган.

Муқаддиманинг чап тарафида янги муҳр мавжуд бўлиб, кўринишидан кутубхона муҳрига ўхшайди. Баъзи лавҳаларидан кейингисига пойгир сўзи билан ўтилган аммо, ҳамма лавҳаларда ҳам пойгир билан ўтилмаган. Баъзи лавҳалар хошияларида тузатишлар ёзилган. Нусханинг баъзи лавҳаларида сув теккан ва чириган ҳолатни кузатиш мумкин.

Қўлёзманинг асосий матни қора рангли сиёҳ билан ёзилган бўлиб, боблар ва баъзи (фатҳа, замма, касра, ташдид) белгилари қизил ранг билан ажратилган. Ҳар бир бети 21 сатрни ташкил этиб, ҳар бир сатр эса 13–18 дона атрофидаги сўздан таркиб топган.

## ХУЛОСА

Қўлёмалар кодикологиясига хулоса берилар экан, юкоридаги келтирилган нухалар, асардан кўчириб ёзилган машхур қўлёмалар сони кўп бўлиши, улардаги баъзи жумлаларни тушиб қолиши, турли ибораларнинг кўшилгани ҳамда бир сўз бошқаси билан алмаштирилганига қарамасдан, бу ҳолатлар муаллиф назарда тутган асосий эътиқодий ғоя маъноларига тубдан ўзгариш киритмаганини кўриш мумкин. Чунки манбалардаги ушбу ҳар хиллик масаласи у ёки бу ҳудуддаги ўзига хослик ҳамда хаттотларнинг қайси манбадан кўчирганларига боғлиқ масала ҳисобланади.

Асарнинг шу кунгача чоп этилиб, дунёнинг турли давлатларида толиби илмлар тарафидан фойдаланиб келинаётган ва хусусан ушбу тадқиқот ишида фойдаланилган саккизта нашри мавжуд.

Ушбу асарнинг энг эски босмаси Ҳиндистон босмаси бўлиб, у 1306 ҳижрий санада, Дехлидаги “ал-Ансорий” босмаҳонасида чоп этилган бўлиб, нашрда тўртта асар жамланган. Биринчи китоб “Эълуму аҳли ал-аср биаҳкоми ракъатай ал-фажр”, иккинчи китоб: “Халқ афъол ал-ибод”, учинчи китоб: Заҳабийнинг “ал-Улувв” китоби, тўртинчи китоб: “ал-Қавлу ал-муҳаккақ фи ихсо ал-баҳоим” китобларидан иборат бўлиб, охириги китоб урду тилида ёзилган. Афтидан улар ҳам, “Халқ афъол ал-ибод” асарини чоп этишда, Ҳайдарободдаги “ас-Саидия” нухасига таянган.

Асарнинг чоп этилган ва ҳозирги кунда толиби илмлар қўлида фойдаланилаётган аксар замонавий нашрлари хатодан холи эмас. Охириги Др.Фаҳд ибн Сулаймон Фаҳид томонидан чоп этилган “Дор Атлас ал-хазро” нашрига келсак (Ар-Риёз, 2005), ҳар тарафлама юксак илмий салоҳиятга қарамасдан, холисликка эътибор қаратмаган.

Имом Бухорийнинг гапларидан ва келтирилган далилларида тадқиқотчи айтаётган маънолар тушинилмасда, аксарият ўринларда олимнинг далилларида “салафийлик”, бемазҳаблик фикрларини тарғиб этишда фойдаланган. Натижада, Имом Бухорийнинг далиллари билан бемазҳабларнинг далиллари бир деган, тасаввур вужудга келган. Бухорийнинг жаҳмийларга қарата айтилган гапларини, мотуридийлар ва ашъарийларга ҳам тааллуқли дейди. Мотуридий

– ашъарийлар аҳли сунна вал жамоа бўлиб, улар билан жаҳмийлар ёки мўътазилий ва хаворижлар ўртасида ер билан осмонча тафовут борлигини била туриб, уларни ёмонотлик қилиш учун шундай ишларни амалга оширган (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 2005).

Ушбу эътиборларга кўра, алломанинг “Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил” асарини қайта қиёсий таҳлилий ўрганиш давомида, мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотларига қиёслаб ўрталарида қанчалик даражада фарқлар борлигини ўрганиб, сўнгра ўқувчига тақдим этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Умму ал-Қуро университети. Макка. № 349.
2. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Маҳмудия кутубхонаси. Мадина. № 641.
3. Муҳаммад ибн Сулаймон Ар-Рўдоний. (1988). Силату ал-халаф бимаъсули ас-салаф. Тадқиқотчи: Др.Муҳаммад Ҳажий. Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий.
4. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Абу Абдуллоҳ Заҳабий. (1989). Сияру аъломи ан-нубалоъ. Ж. 19. Тадқиқотчи: Шуайб Арнаут бошчилигида бир тўп тадқиқотчилар жамоаси. Байрут: Муассаса ар-Рисола.
5. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (нашр йили кўрсатилмаган). Халқ афъол ал-ибод. Тадқиқотчи: Др. Абдуррахмон Умайра. Жидда: Дор Уккоз.
6. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (2005). Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ж. 1. Ар-Риёз: Дор Атлас ал-Ҳазроъ.
7. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Қор Юнус университети. Бенғози. №1552.
8. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Сулаймония – Раису ал-кутуб Ошур афанди кутубхонаси. Истанбул. № 139/1.
9. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Ас-Саидия кутубхонаси. Ҳайдаробод. № 352(16 – 316).
10. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил // Қўлёмза. Равзату ал-ҳадис кутубхонаси. Ҳайдаробод. № 359.
11. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (1990). Халқ афъол ал-ибод ва ар-рад ала ал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Байрут: Муассасату ар-Рисола.

12. Мустафо ибн Абдуллох Ҳожи Халийфа. (1992). Кашфу аз-зунун ан асомий ал-кутуб ва ал-фунун. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
13. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатху ал-борий шарху саҳиҳ ал-Бухорий. (2001). Тадқиқотчи: Абдулқодир Шайба Алҳамд. Ж. 13. Ар-Риёд: Мактабату ал-Малик Фаҳд ал-Ватанийя, .
14. Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али ал-Байҳақий. (1993). Ал-Асмоъу ва ас-сифот. Тадқиқотчи: Абдуллох ал-Ҳошидий. Ж. 2. Жидда: Мактабату ас-Саводий.
15. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. (2001). Ҳадю ас-сорий муқаддиму фатҳи ал-борий. Тадқиқотчи: Абдулқодир Шайба Алҳамд. Ар-Риёд: Мактабату ал-Малик Фаҳд ал-Ватанийя.
16. Шамсуддин Муҳаммад ибн Абу Бакр ад-Дамашкий. (1412). Ас-Савоик ал-мурсала ала ал-жаҳмияти ва ал-муаттила. Ж. 4. Тадқиқотчи: Али ибн Муҳаммад ад-Дахил Аллох. Ар-Риёд: Дор ал-осима.
11. Muhammad ibn Ismail al-bukhari. Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl.handwriting. Khaydarabad: Ravzat – al-hadith library. №359.
12. Muhammad ibn Ismail al-bukhari, (1990). Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl. handwriting. Beirut: Muassasatu al-risala.
13. Mustafa ibn Abdullah Haji Khalifa. (1992). kashf al-zunun al-asami al-kutub al-funun. Vol. 1. Beirut: dar al-kutub al-ilmia.
14. Ahmad ibn Ali ibn Khajar al-asqalani,fatk al-bari. (2001). researcher: Abdulqadir shayba Alhamd.Vol.13. al-Riyadh: al-Malik Al-Vataniya.
15. Ahmed ibn Ali ibn Omar Al-Asqalani. (2001). Hadi al-soriy muqaddimatu fatkhi al-bari, Researcher: Abdulqadir shayba alhamd, al-Riyadh: Maktabu al-Malik, Fakhd al-wataniya. Researcher: Alhamd. Ar-Riyadh:
16. Shamsuddin Muhammad ibn Abu Bakr ad-Damascus. (1412). As-Sawoiq al-mursala ala al-jahmiyati and al-muattila. J. 4. Researcher: Ali ibn Muhammad ad-kirich Allah. Ar-Riyadh: dor al-Osima.

#### REFERENCES

1. Muhammad ibn Ismail Al-bukhari. Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl. handwriting. Ummu Al-Qura University Mecca, Saudi Arabia. №349.
2. Muhammad ibn Ismail al-bukhari, Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl.handwriting. Makhmudia library.Medinah n 641
3. Muhammad ibn Sulayman al-rudani (1988). Silatu Al-Khalaf bimavsuli al-salaf, researcher: Dr. Muhammad Khaji. Beirut: dar al-Gharb al-Islami
4. Muhammadibn ahmad ibn Usman abu abdullah dhahabi. (1989). siyar alami al-nubala, J. 4. researcjer: researchers group with the head Shu'ayb Arnaut. Beirut: Muassasatu al-risala.
5. Muhammad ibn Ismail al-bukhari. (printed Year is not given). khalq af'al al-ibad. researcjer: Dr. Abd al-rakhman Umaira. Jiddah: Dar Ukkaz.
6. Muhammad ibn Ismail Al-bukhari. (2005). Khalq af'al al-ibad va al-rad ala jakhmiya va askhab at-ta'til. Researcher: fakhd ibn sulayman al-fakhid.Vol. 1. Al-Riyad: Dar Atlas al-Khazra.
7. Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. khalq al-af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiya va askhabat-tatiyl. handwriting Qor Yunus university. Bengehazi. №1552.
8. Muhammad ibn Ismail al-Bukhari, Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl. Manuscript. Sulaymaniyah - Raisu al-Kuttab Ashur Effendi Library. Istanbul. No. 139/1.
9. Muhammad ibn Ismail al-bukhari, Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl.handwriting. Istanbul: Sulaymania-Rais al-kuttab Oshur afandi's library. №352.
10. Muhammad ibn Ismail al-bukhari,Khalq af'al al-ibad va al-rad ala al-jakhmiyya va askhab al-ta'tiyl.handwriting. Khaydarabad: Saida's library. № 352(16 – 316).



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

**E-mail:** info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.